O'ZBEKISTON QUROLLI KUCHLARI

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **15** апрель, жума № **45-46** (2089-2090). Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **15** апреля, **2005** год, № **45-46** (2089-2090). Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | В розницу – цена свободная


Армиянинг профессионаллиги энг аввало ҳарбий хизматчиларда қатъий ҳаётий позицияни, шунингдек, ватанпарварлик дунёқарашини, уларга ишониб топширилган қурол-яроғ ва техникани эгаллаш ҳамда ишлатишда юксак ҳарбий маҳорат ва профессионал кўникмаларни тарбиялаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони.**

Долзарб мавзу

## ИСЛОҲОТЛАР – АМАЛДА



Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, замон талабларига жавоб берадиган сафарбар, замонавий қурол-яроғлар билан таъминланган, ихчам, яхши уюшган, ҳар қандай синовларга дош берадиган миллий армияни барпо этиш – давлат аҳамиятига молик улкан вазифа. Фақат ана шундай армиягина тинчлик, хавфсизликни ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кишиларнинг осойишталигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини ҳамда чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир.

Ушбу улкан вазифани ҳал этишда қийинчиликлар мавжуд, албатта. Мамлакатимиз барча соҳаларда ўз йўлини топиб олган. Миллий хавфсизликни таъминлаш борасида пухта ўйланган ва муваффақиятли амалга оширилаётган ишларимиз бошқа мустақил давлатлар учун намуна бўлмоқда. Қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукумати ҳамда халқи томонидан улкан ишлар амалга оширилди. Қуролли Кучларни барпо этишнинг янги концепцияси ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Муддатли ҳарбий хизмат муддати қисқартирилди, сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг ташкил этилганлиги жаҳон тажрибасида янгилик бўлди. Қисқа вақт ичида минглаб ёшлар СЧР тайёргарлигидан ўтишди.

Биз бошқа давлатларда армияда ўтказилаётган ислоҳотлар унчалик самара бермаётганлигидан, аксинча, жамоатчилик бу ислоҳотларни тўғри қабул қилмаётганлигидан яхши хабардормиз. Ўзбекистонда Қуролли Кучлар соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар халқнинг армияга муносабатини ижобий томонга ўзгартирди. Ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб бормоқда. Бугунги кунда ҳар бир аскар, сержант ва офицер атрофидагиларнинг ўзларига муносабатини яхши билишади. Ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда нуфузли касбга айланиб бормоқда. Қуролли Кучларнинг давлат ва жамиятдаги роли, ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс даражада ошиб кетди. Ҳеч қаерда кичик командирларни тайёрлаш мактабига ўқишга кириш ёшлар ўртасида биздагидек машҳур эмас. Ҳеч қаерда муддатли ва шартнома бўйича хизмат қилишни хоҳловчилар биздагидек кўп эмас.

Ҳарбий хизматчилар ҳеч қачон мамлакат раҳбариятининг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаганлар. Масалан, муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг хизмат ўташ даври уларнинг меҳнат стажи ва мутахассислик бўйича иш стажига бир ой муддат икки ой қилиб ҳисобга олинади. Муддатли ҳарбий хизматчининг оиласи ер солиғи тўлашдан озод этилади. Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг хатлари, шунингдек, уларга юбориладиган хатлар бепул жўнатилади. Чақирилувчиларни армияга кузатиш ва Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш бўйича тантанали тадбирларнинг давлат миқёсида маҳаллий ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилиши – мамлакатимиз ёш фуқароларининг фидокорона меҳнатига нисбатан бўлган умумхалқ муҳаббати ва ҳурматининг ёрқин далилидир.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 7835 сўм;

ёшга доир пенсиялар - ойига 15505 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд - ойига 7835 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 15505 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 9390 сўм миқдорида белгилансин.

3. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони билан уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилган бюджет ташкилотлари ходимларидан айрим тоифаларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,35 баравар оширилсин ва мазкур компенсация тўловлари бекор қилинсин, жумладан мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ 1,2 баравар оширилсин, қолган қисми эса – бекор қилинадиган компенсация пул тўловлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ-3450-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 13 апрель.

Президент табригидан руҳланиб

## ЮКСАК ВАЗИФА

14 январь—Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг ўн уч йиллиги мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Байрамда халқимиз ўз ҳимоячиларига, мустақиллигимиз ва осойишта ҳаётимиз посбонларига чуқур ҳурмат-эҳтиром билдирди. Президентимизнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги» шарафли касбни ардоқлаб келаётган ҳарбий хизматчиларни беҳад руҳлантириб юборди.

Юртбошимизнинг табригида миллий армиямизни ташкил этиш, ривожлантириш, унинг жанговарлик қобилиятини ошириш борасида амалга оширилган ишлар алоҳида эътироф этилиб, унда Ватан ҳимоячиларига катта ишонч изҳор этилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ва кўрсатмалари асосида ўтказилаётган ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда миллий армиямиз юрт осойишталигини ишончли ҳимоя қила оладиган кучга айланди. Ўтган давр Ўзбекистон Қуролли Кучлари тарихига ривожланиш, тикланиш даври бўлиб кирди.

Президентимиз шундай таъкидлайди:

«Шу давр мобайнида юртимизда ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган ва стратегик мақсадларимизга мос келадиган Қуролли Кучларимизни яратиш бўйича ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган , узоқни кўзлайдиган улкан ишлар амалга оширилди».

Худди шундай, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар, ҳар томонлама таъминланган ва қуролланган, сафлари ватанпарвар ўғил-қизлар билан тўлдирилган армияни ташкил этишнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилганлиги ва унинг ҳаётга изчиллик билан жорий этилаётганлиги бугун кўз ўнгимизда яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий соҳадаги ўзгаришлар, яъни, муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилга қисқартирилганлиги, сержантлар тайёрлаш мактабларининг фаолияти йўлга қўйилганлиги, бугун амалда ўзини оқлаган, сафларида минг-минглаб ёшлар ўз йигитлик бурчини ўтаётган сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ташкил этилганлиги нафақат ота-оналарни, балки бутун жамоатчиликни мамнун этди.

Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимиз ва бутун минтақа хавфсизлигига таҳдидлар сақланиб турган ҳозирги шароитда бизнинг вазифамиз – Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш борасида бошлаган ишларимизни давом эттириш, бунинг учун янги имконият ва манбаларни излаб топиш ҳамда сафарбар этишдан иборатдир. Давлатимиз раҳбари олдинда турган муҳим вазифалар хусусида тўхталиб, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган ишларни ҳам кўрсатиб берди. Эҳтимол тутилган хавф-хатарни инобатга олиб, стратегия ва тактикани такомиллаштириш, жанговар ҳаракатлар хусусиятларидан келиб чиқиб, барча қўшин турларининг биргаликда, аниқ ва қатъий ҳаракат қилишини таъминлашга эришиш, ҳарбий ўқув масканларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, барча қўшинларни зарур бўлган замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан жиҳозлаш, шунингдек, Ватанимиз ҳимоячиларининг яшаш ва хизмат шароитларини янада яхшилаш, уларнинг машаққатли ҳарбий меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини ошириш лозимлиги Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида алоҳида қайд этиб ўтилди. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг мазкур табриги истиқболда армия таркибида қилинадиган муҳим ишларни белгилаб бериш билан бирга, бу йўналишда ўзига хос пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган дастур вазифасини ҳам ўтайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари ҳарбий касбни ўзи учун энг шарафли касб деб унга интилаётгани ва Ватанни ҳимоя қилиш йўлидаги, яъни, ҳарбий хизматдаги барча машаққат ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиб, шу билан ўз она тупроғини қанчалар муқаддас билишини, уни севишини ва кўз қорачиғидек асрашини исбот этаётган бир пайтда Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, бугун эски, номақбул казарма муҳитига батамом барҳам бериш, муддатли ва контракт хизмат, офицерлик ҳамда қўмондонлик таркиби хизматларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва дам олишлари учун муносиб шароитларни таъминлайдиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш вақти келди. Зотан:

«... ҳарбий ва армия хизматини ўтаган ёшларнинг барчаси ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олган, ҳар томонлама ишончли инсонлар бўлиб етишсин. Токи, ота-оналари улар билан фахрлансин, кичик фарзандларимиз улардан ўрнак олсин, Ўзбекистоннинг гўзал қизлари эса улар билан ўз тақдирини боғлашни орзу қилсин».

**Подполковник**
**Абдураззоқ ОБРЎЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



## ҲАР ЖАБҲАДА ЎЗЛИГИМИЗ НАМОЁН

Амир Темурнинг: «Бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурган биноларга боқинг», деган сўзларини эшитганимизда қадимий Самарқанднинг, Шаҳрисабзнинг тарихий обидалари кўз олдимизга келади. Айтиш керакки, фақат биноларнинг баландлиги билангина давлатнинг қудрати белгиланмайди. Темур бобомиз назарда тутган қудрат – бу миллий меъморчилик, нозик санъат, миллатга хос бўлган маданиятга, ижод ва бунёдкорликка, ғуруримиз тимсоли – салобатнинг уйғунлашиб кетганлигида кўринади. Ўша даврда ҳам Самарқандда шаҳарга ўзгача чирой бахш этиб турган мадрасаю масжидлар, карвонсаройлар, хиёбонлар аҳолига жуда кўп қулайликлар туғдирган. Ҳозир ҳам ўша обидаларга қараб туриб, кўнглимизда ифтихор туйғуларини туямиз. Темурнинг пойтахт шаҳар – Самарқандга ўзгача эътиборини кўрамиз.

Энди замонлар ўзгарди. Икки дарё оралиғи – Мовароуннаҳр ўрнида мустақил Ўзбекистон давлати барпо бўлди. Пойтахтимиз Тошкент тимсолида давлатимиз қудратини, миллатимиз маданиятини кўрамиз. Бугун Тошкентга бошқа вилоятдан ташриф буюрган меҳмонми, олис юртлардан ўзбекнинг маданияти, бугуни билан танишмоқ илинжида келган сайёҳми, бари-бариси пойтахтимизнинг жамолини қисқа вақт мобайнида шунчалик ўзгаришга юз тутганлигини кўриб, ҳайратда қолади. Чунки яқин вақтлар ичида Тошкентга келмаган кишининг таассуротида шаҳарнинг аввалги даврдаги қиёфаси муҳрланиб қолган, десак адашмаймиз.

**(Давоми 3-бетда).**

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи,
халқ фаровонлиги

## МУТЛОҚ ҒОЛИБ АРМИЯЧИЛАР

Спорт – ҳар бир шахснинг руҳий шаклланишида, миллатни соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. 2005 йилнинг юртимизда Сиҳат-саломатлик йили, дея эълон қилинишида улкан маъно бор. Мамлакатимиз, халқимиз олдида турган энг устувор вазифалардан бири жисмоний баркамол, маънавий етук инсонни тарбиялашдир. Бунда спортнинг ўрни беқиёс. Спортда – нафосат, гўзаллик, куч-қудрат, санъат мужассам. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қуролли Кучларимизда ҳам жисмоний-руҳий уйғунлик ҳисобланган спортга катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳонга юз тутган мустақил Ўзбекистон номини, шуҳратини унинг ҳарбий спортчилари оламга ёймоқда.

АҚШда бўлиб ўтган ҳарбий спортчилар орасидаги бокс бўйича 48-жаҳон чемпионати ҳали кўпчиликнинг ёдида, албатта. Ушбу нуфузли мусобақа ўзбек ҳарбийлари бокс мактаби тўла шаклланганини дунёга яна бир бор кўз-кўз қилди. АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон каби давлатлар вакилларини ортда қолдириб, Ўзбекистон армиячилари умумжамоа ҳисобида мутлоқ ғолиб бўлдилар. Ҳа, 11 вазн тоифасида 9 та медални қўлга киритишди. Улар шарофати билан океан ортида янграган миллатимиз ўлмас навоси ҳар бир қалбда ғурур, ифтихор ҳиссини алангалатди.

**(Давоми 8-бетда).**

Весенний призыв-2005

## НАДЕЖНОЕ ПОПОЛНЕНИЕ

Из Бухары к будущему месту службы отбыла первая группа призывников. На торжественном митинге перед собравшимися выступили: заместитель хокима области О.Джумаев, начальник Управления по делам обороны Бухарской области полковник Т.Ахмеджанов, представители общественных организаций и родители призывников. Все выступавшие желали будущим воинам успешной службы, выражали уверенность, что они не посрамят чести посланцев Бухары.

Аплодисментами встретили участники митинга выступление ветерана войны 1941 – 1945 гг. Файзулло-бобо Асомова, прошедшего трудными фронтовыми дорогами. От имени ветеранов аксакал выразил уверенность, что будущие солдаты будут верны традициям прадедов, дедов и отцов, с честью выполнявших свой долг по защите рубежей нашей Родины.

Полковник Т.Ахмеджанов после окончания торжественной церемонии в беседе подчеркнул, что новое пополнение отобрано в соответствии с действующими требованиями конкурсного отбора. По всем категориям – состояние здоровья, уровень интеллектуального, образовательного, физического развития, психологическая устойчивость и социальное положение – ими получены самые высокие баллы. Практически все имеют военные специальности. Начальник УДО области подчеркнул, что есть уверенность в том, что сегодняшние призывники быстро овладеют секретами воинского мастерства и с честью выполнят свой конституционный долг.

**Дмитрий ВЛАСОВ.**

Бугуннинг қаҳрамонлари

## ЯШАШ – МАВЖУДЛИК ДЕГАНИ ЭМАС



Хушхабарнинг қўш қаноти бўлади. Ўқдан-да тез учади. Энг тезучар самолётдан-да. Олис-олис манзилларга бир зумда етиб боради. Сўнгра одамларга, маҳалла-кўйга ҳам гап топилади. «Эшитдингларми, фалончи лотереядан ютибди», «Омадини берсин», «Қандини урсин-э». Кимдир ана шундай ҳавас қилади, яна кимдир андак ҳасад ҳам, ҳарқалай инсонмиз-да. Ҳавас инсонни камолга етказади, юксакларга парвоз сари ундайди. Ҳасад ҳақида гапириб ҳам ўтирмайлик. Капитан Авазбек Тожиқулов Президентимиз Фармонига кўра Мустақилликнинг 13 йиллигида «Шуҳрат» медали билан тақдирланганида Андижоннинг Избосканида ҳавас қилганлар кўп бўлди. Чойхона, маҳаллада – ҳамманинг оғзида шу гап. «Мамадиброҳимнинг ўғли медаль билан тақдирланибди. Кўча-кўйда сандироқлаб юрмай ўқиди, изланди. Юрт корига ярайдиган ўғлон бўлди. Мана, бугун бизнинг ҳам юзимизни ёруғ қилди», дейишди маҳалла оқсоқоллари.

Маҳалла ҳам кичик ватанда, фахрланади ўз ўғлони билан. Келинг, энди шунқор йигитнинг ўзи билан танишайлик. 1997 йилда Шуҳрат Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугаллади. Мустақил Ўзбекистон армиясининг офицери бўлди. Тўғри, бу шарафли касб. Аммо масъулияти-чи. Шарафни ҳам, масъулиятни ҳам бирдек елкага ола билиш керак. Бунинг учун юракда туғилиб ўсган заминига, халқига садоқат уйғоқ бўлмоғи лозим. Ҳатто у юрак билан бирга уриб туриши керак. 1997 йилни кўз олдингизга келтиринг. Миллий кадрларимиз ҳарбий билим юртларини тугатиб, сафларга эндигина йўл олган йиллар. Яъни, Қуролли Кучларимиз ўша йилларда 1996-1997 йилларда офицер бўлиб сафларга қўшила бошлаганини назарда тутаяпман.

**(Давоми 2-бетда).**

# ҲАР ЖАБҲАДА ЎЗЛИГИМИЗ НАМОЁН

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ҳа, пойтахт не даврларни бошдан кечирмади, дейсиз. Айниқса, 1966 йилги зилзиладан сўнг Тошкент қиёфаси сезиларли даражада ўзгарганлиги, шаҳарда бинолар, йўллар қурилиши жадал тус олганлигини эсламай илож йўқ. Аммо, у пайтдаги биноларнинг қурилиш услубида миллийликдан йироқлик кўзга ташланиб турганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Улардан миллатимизга хос маданият уфуриб турмаганлиги миллатпарвар қалбимизни ўртаганлиги рост.

Энди эса... мустақилмиз. Истиқлол берган неъматдан фойдаланиш, ҳар биримизга ўзгача ҳузур бағишлайди. Қилмоқчи бўлган ишимизни четдан келган бировларнинг эмас, кўнглимиз амри билан бажарамиз. Миллий услубда бино қурмоқчи бўлсак, «Нега ундай қиляпсан, бундай қил», деб ҳеч ким тепамизда турмайди. Кўприк қурмоқчи бўлсак, нуроний отахону онахонларимизнинг дуосини, олқишини оламиз. «Умрингдан барака топ, йўл қурган, кўприк солган савоб», дейишади улар. Негаки, улар бу кунларнинг қадрини сизу биздан яхши билади. Бу кунларни ардоқлайди. Бор гап, энди қилган ишимиздан ўзимиз завқ оламиз, ўзимиз ҳузур қиламиз. Шу билан биргаликда бошқалар ҳам. Тинч замонда меҳнат қилмоқ, бунёдкорлик ишларига бош қўшмоқ, келажак авлодга мустаҳкам пойдевор яратиб кетмоқ иши-ла банд бўлмоқни ҳар бир юртдошимиз ўзининг улуғ нияти деб билади.

Пойтахтимизда мустақилликдан сўнг қурилган муҳташам биноларга бир назар солинг. Уларга қараб, уста меъморларимизнинг чин маънодаги бунёдкорлик истеъдодини намойиш этганлигини кўрамиз. Ҳар бир қурилиш услуби меъморчиликдаги миллий анъаналаримизни акс эттириб турибди. Айтиш керакки, қайси соҳада янги бино қуришга эҳтиёж пайдо бўлса, бу эҳтиёж вақтида ижобатини топиб турибди. Олайлик, Ўзбекистон давлат консерваторияси неча йиллардирки, таъмирталаб бўлиб қолган эди. Дунёга машҳур қўшиқчию бастакорларни етиштириб бераётган бундай ўқув даргоҳининг номига муносиб бўлган, дунёвий шуҳрат шукуҳини бериб турадиган муҳташам, чиройли, қулай бино зарур эди, албатта. Мана, ҳозир бўлажак истеъдодларимиз консерваториянинг янги биносида бир олам орзулар билан таҳсил олишмоқда. Ё бўлмаса, собиқ асосий театр қурилишининг жаҳон ва миллат анъаналарига мос равишда қайта таъмирланиб, унга Ўзбек миллий академик драма театри мақоми берилгач, бу бинонинг жамоли бугунги санъатимизнинг ривожига ҳамоҳангликни билдириб тургандай, барчамизнинг кўзимизни қувнатади. Бир пайтлар ўтиш даврининг бошида томошабинлар сони камайиб кетган театр биносига бугун гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бирор саҳна асарини кўриш иштиёқида кириб кетаётган ёшларни кўриб, фахрланамиз. Негаки, санъатимиз яна оёққа турди, драматик асарларнинг савияси ошди. Санъаткорларимизнинг ана шундай тараққиётига муносиб бўлгулик бино керак эмасмиди? Керак эди. Ана, яна бир бор ўша бинога назар ташланг. Эътибор қилган бўлсангиз, театр ё консерватория ҳовлисида бу биноларни тасвирга олаётган хорижий сайёҳлар, меҳмонлар ҳам юрган бўлади. Бу эса юртимиз довруғига яна довруғ қўшади.

Пойтахтимизга чин маънодаги саёҳат учун келган одам аввало нима қилади? У аввало, Юнусободдаги телеминорага чиқади. Шундай эмасми? Чунки ҳақиқий гўзаллик тепадан қараганда яққол кўринади. Ё бўлмаса, Тошкент аэропортидан учаётган ё унга қўнаётган йўловчи пастга бир қараса бўлди, пойтахтнинг қулочга сиғмас ҳудуди, унинг бетакрор кўрки шундоқ кафтдагидек намоён бўлади-қўяди. Бу гўзалликка узоқдан гувоҳ бўлиш эса ундан ҳам мароқли. Водийдан пойтахтга отланган йўловчи Қамчиқ довонининг юқорисидан пастга бир қарасин, бўлди, узоқдаги шаҳарнинг тароватi қалбини ҳаяжонга чулғамай қўймайди. Юртимизга келадиган сайёҳлар, тўғри аввал, Самарқанду Бухорони, Хиваю Урганчни кўради. Тарихимиз билан қизиққан одам нега энди замон нафаси уфуриб турган биноларга ҳам қизиқмасин экан. Пойтахтимизнинг бугунги қиёфаси уларда катта қизиқиш уйғотади, албатта.

Иқтисодий соҳадаги ўзгаришларни тилга олмасдан илож йўқ. Республика миқёсида фаолият кўрсатувчи жамики банкларнинг осмонўпар бинолари шаҳарнинг устунлари, суянчиқлари каби кўз олдимизда қад кўтариб турибди. Бу биноларда фаолият кўрсатаётган юртдошларимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Қони қайноқ, қалби жўшқин, кўкси Ватан, миллат фахри билан тўла бундай ёшларнинг қадамидан ўт чақнайди. Уларга шундай чиройли, муҳташам биноларда ишлаш нега ярашмасин экан? Пойтахтимизда шу пайтгача фойдаланилмаётган кўримсиз ҳудудлар жуда кўп эди. Истиқлолдан сўнг бундай жойларда меъморларимизнинг чин маънодаги маҳорати натижаси ўлароқ, турли зарур иншоотлар билан биргаликда табаррук ва обод зиёратгоҳлар қад кўтарди. Мамлакатимизда бундай эзгу ишлар ҳалиям давом этмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йил 19 март – умумхалқ ҳашари куни пойтахтимиздаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан шахсан ўзлари бориб танишдилар. Айниқса, Ўзбекистон Миллий боғи ва Эски шаҳар ҳудуди билан боғлиқ қурилишлар Юртбошимизнинг диққат марказида бўлди. Юртбошимизнинг бу жойларда амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари нафақат бунёдкорларимизга, бутун халқ, ёшларга янада тетиклик бағишлади. Негаки, бу эзгу ишлар бошқа бировлар учун эмас. Шу азиз юртда тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилаётган фидойи халқимиз учун. Юксак орзуларни дилига тугиб яшаётган ақл-заковатли ёшларимиз учун амалга оширилаяпти.

Тошкентга илгари келмаган ҳайдовчи йўлдаги қулайликлардан мамнун бўлади. Негаки, шаҳарнинг энг зарур нуқталарида янги кўприклар қурилгач, йўл ҳаракатидаги баъзи ноқулайликларга тамоман чек қўйилди. Қадимда ҳам ота-боболаримиз ўз юртида катта анҳору дарёларда халқнинг узоғини яқин қилиш савоби илинжида кўприклар қуришиб, кўп эзгу амалларни қилишган. Бугун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари миллатимизнинг қадимий анъаналари давом этаётганлигидан далолат беради.

Ҳар қандай одам мамлакат ҳақида фикр юритганида, аввало, пойтахт қиёфасини кўз олдига келтиради. Муҳташам бинолар, қурилиш услубидаги бардавом анъаналар эса бизнинг, халқимизнинг маданияти, салоҳиятидан дарак беради.

Шубҳасизки, нафақат пойтахтимизда, балки юртимиз вилоятларида қурилган ва қурилаётган ҳар қандай бино, иншоотнинг қиёфаси, пухталиги аввало, биз истаган баҳога, қолаверса, жаҳон андозаларига, замон талабларига жавоб бера олади.

**Салим АШУРОВ.**



## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида

### РАҚОБАТ МАҲОРАТНИ ОШИРАДИ




Юртбошимиз ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танлови бизнинг Ички қўшинларимиз шахсий таркиби орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ўтган йил ўқув мавсумида, танловнинг ҳал қилувчи учинчи (республика) босқичида «Энг илғор взвод командири» номинациясида Ички қўшинларнинг ҳам саккиз нафар офицери иштирок этишди.

Албатта, бунда ҳар биримизнинг хизмат вазифаларимиз фарқ қилиниши инобатга олинди. Шунинг учун, менинг фикримча танлов ташкилотчилари ҳарбий учкураш ва тест саволлари орқали энг кучлини танлашга қарор қилгани адолатлидир. Чунки, ҳозир ҳар бир офицернинг лавозимидан қатъи назар жисмонан бақувват ва ақлан баркамол бўлишини давр талаб қилмоқда.

Рақобат жуда кучли бўлганлигига яна бир далолат – танловда тўплаган балларим иккинчи ўринни эгаллаган катта лейтенант Ҳамидулла Маматовнинг жамғарган балларидан унча фарқ қилмади. Учинчи ўринни катта лейтенант Ҳабибулло Ортиқов эгаллади.

Уч кун мобайнида бўлиб ўтган беллашувлар менинг ёдимда ёрқин ва унутилмас таассуротлар қолдирди. Сабаби, мен ИИВ Ички қўшинларида «Энг илғор взвод командири» номинацияси бўйича ғолиб деб топилган эдим. Мазкур ўқув мавсумида ҳам ўз устимда жиддий ишлаб, тайёргарлик кўрмоқдаман. Бу йил ҳам ғолиблар сафида ўзимни кўриш ниятим йўқ эмас.

**Катта лейтенант Соҳиб ЎЛМАСОВ.**

### ХИЗМАТИ «ЖАСОРАТ»ГА ЛОЙИҚ




Кичик сержант Шомурод Ҳакимов Мустақиллигимизнинг шодиёналари арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти «Жасорат» медали билан мукофотланган.

– «Жасорат» медали нафақат менга, балки, барча сафдошларимга берилган деб биламан, – дейди у. – Бу менга янада кўтаринки руҳ бағишлаб Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда куч-қувват бағишлайди.

Шомурод Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан. Оддийгина қишлоқ фарзанди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Уч босқичда ўтадиган фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, мактабнинг фахри саналар эди.

У 1999 йилдан ҳарбий хизматда. Ҳаёт мактаби мураккабликларига қарамасдан уни ўзига тортди. Йигит киши учун чегарада хизмат қилишдан кўра муносиброқ вазифа йўқ, дея ишонч билан ўйлади у. Ва муддатли хизматни ўтаб бўлгач, шартнома асосида хизматни давом эттириб келмоқда. 2002-2003 йиллар сержантлар тайёрлаш мактабида билимларини янада мустаҳкамлади.

Хизмати давомида намунали хулқи, фидойилиги билан барчанинг ҳурматига сазовор бўлди. Сидқидилдан бажарган хизматлари учун қўмондонлик томонидан бир неча бор рағбатлантирилди.

Моддий товар буюмлари Давлатимиз чегарасидан ноқонуний йўл билан олиб ўтилаётган вақтда кичик сержант Шомурод Ҳакимов ҳушёрлик намуналарини кўрсатиб, тўхтатиб қолишда фаол иштирок этди. Бундан ташқари, ажал уруғи ҳисобланган гиёҳвандлик моддаларининг катта миқдорини тўхтатиб қолишда ҳам унинг салмоқли ҳиссаси бор. Жасур йигитнинг хизматлари муносиб тақдирланди.

**Капитан Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ.**

### БДИТЕЛЬНЫЙ ЧАСОВОЙ




Рядовой Куваншбек Уразбеков, призванный из Куйи-Чирчикского района столичной области, служит в Караульных войсках около четырех месяцев, но уже зарекомендовал себя умелым воином. С первых дней он проявляет старание и усердие в службе и учебе, настойчиво совершенствует свои знания и навыки, старательно изучает требования воинских уставов и запоминает все, чему учат его командиры. То, что он отлично знает обязанности часового и умело может действовать при осложнении обстановки, Куваншбек доказал недавно в ходе несения службы на посту.

...Вынашивая свой черный замысел безнаказанно уйти от заслуженной меры наказания, преступник не один день внимательно изучал службу часовых, особое внимание обращал на «новичков», рассчитывая, что они-то как раз и могут растеряться и допустить оплошность. Выбрав темное время суток, он сделал резкий рывок в сторону ограждения за какие-то считанные мгновения преодолел первый забор, но... громкий и требовательный окрик часового рядового К.Уразбекова «Стой, стрелять буду!», его уверенные и решительные действия с оружием охладили злоумышленника, заставили его остановиться и отказаться от дальнейшего осуществления своих преступных намерений.

Прибывшие по сигналу часового тревожная группа караула и наряд контролеров изъяли нарушителя из запретной зоны.

Бдительный часовой рядовой К.Уразбеков поощрен командиром, а его умелые действия на посту поставлены в пример всему личному составу.

**Николай ЧУРСИНОВ, полковник в отставке.**

### ҚУТҚАРУВЧИЛАР ДОИМ ШАЙ




Инсонпарварлик, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш қутқарувчи-халоскорларнинг асосий шиорига айланган. Буни бошқарма қутқарувчилари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлилидан билиб олиш мумкин. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, 2005 йилнинг ўтган уч ойи давомида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати»га ёрдам ва маслаҳат сўраб пойтахтимиз аҳолисидан ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 16620 маротаба мурожаатлар келиб тушди. Юқорида қайд этилган мурожаатлардан 291 таси инсонлар ҳаёти хавф остида қолиши ва фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлардир.

«Қутқарув хизмати» тезкор ходимлари томонидан лифт ичида қолиб кетган кўплаб фуқаролар, ёш болалар, болали аёллар, қариялар, ногиронлар чиқариб олинди. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари билан биргаликда воқеа содир бўлган жойларга чиқиб, ўрнидан тура олмайдиган кекса ногиронларга тезлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинмоқда.

«Қутқарув хизмати»нинг беминнат дастёрлари томонидан пойтахт ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган кўплаб фуқароларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

«Қутқарув хизмати» ходимларига ўзлари ва яқинлари номидан кўрсатилган ёрдам учун миннатдорчилик хатлари келмоқда. Қутқарувчилар ҳам ўз навбатида бу ишончни оқлаш йўлида бор куч-маҳоратларини ишга солишмоқда. Фавқулодда вазиятлар натижасида жабр чеккан инсонларга ёрдам бериш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

**У.ЖУМАБОЕВ.**

## Идеология терроризма

**Айдын ГУДАРЗИ**

# Хизб ут-Тахрир аль-ислами: МИФЫ И РЕАЛЬНОСТЬ

**(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).**




Не знали мои собеседники и о том, что ненависть их идола Набхани к мировому сообществу усилилась после 14 мая 1948 года, когда Израиль под эгидой Организации Объединенных Наций провозгласил свою независимость. Не ведали они и того, что уже 15 мая 1948 года армии пяти арабских государств — Египта, Иордании, Сирии, Ирака и Ливана — вторглись на территорию Израиля с целью уничтожения нового государства и что в этой войне активное участие принимали боевики движения «Братья мусульмане».

Военные действия между армией пяти арабских стран и Израилем завершились 7 января 1949 года, и после подписания 12 февраля 1949 года соглашения о перемирии с Израилем «Братья» обвинили руководство Египта и других арабских стран в «позорном поражении мусульман» и развернули террор, первой жертвой которого стал премьер-министр Египта Махмуд Нукраши. Его убийство стало началом жестких репрессий против самих активистов движения и физической ликвидации их верховного наставника Хасана аль-Банна, исполненной спецслужбой Египта 12 февраля 1949 года. И хотя в те дни в Египте было введено военное положение и отменены все демократические свободы, Набхани, перебравшийся из Египта в сектор Иерусалима, подконтрольный Иордании, арестован не был. Он не принимал прямого участия и в более поздних беспорядках, происшедших в Каире 26 января 1952 года и вошедших в историю страны как «черная суббота»: в этот день не без участия членов «Братства» в городе было подожжено свыше 700 зданий, погибло 26 иностранцев.

Воспользовавшись ситуацией, новое «беспартийное правительство» ввело чрезвычайное положение и начало репрессии против религиозных радикалистов, воспитывающих партизан, против профсоюзов и демократических организаций, против коммунистов и социалистов. А 9 сентября 1952 года и вовсе был издан закон о реорганизации политических партий, на основании которого партии были подвергнуты «чистке». К 17 же января 1953 года в Египте все политические партии были распущены с конфискацией их имущества. И лишь решение о роспуске движения «Братья мусульмане» было отменено — не без вмешательства короля Саудовской Аравии.

Но не столько сам факт роспуска политических партий и движений, сколько общая обстановка в Египте и окончательное неверие в возможность построения теократического халифата силами движения «Братьев мусульман» стали для Набхани главными аргументами в пользу принятия окончательного решения организовать Хизб ут-Тахрир. Хотя как осторожный политик он не стал разрывать отношений с «Братьями». На это не повлияли даже события 1964 года, о которых будет рассказано позже.

## VI. Изгой хочет стать идолом

Организационный процесс формирования первой ячейки Хизб ут-Тахрир совпал с провозглашением Египта республикой. 17—18 июня 1953 года в стране был ликвидирован Регентский совет и объявлено о свержении королевской династии Мухаммеда Али, правившей Египтом на протяжении 142 лет. 29 марта 1954 года в ходе непростой политической борьбы Гамаль Абдель Насер ( Г. А. Насер) стал главой старого правительства, переформированного им 18 апреля 1954 года, — правительства, которое объявило своего нового лидера военным губернатором Египта.

Знал ли Набхани в 1954 году о намеченной «Братством» на 26 октября попытке покушения на нового прозападного лидера Египта Гамаль Абдель Насера, готовившего в Александрии народные торжества по случаю эвакуации английских войск из Египта? Положительно или отрицательно на этот вопрос сегодня ответить никто не решится. Но факт, что покушение послужило началу новых репрессий, развернутых против движения «Братьев-мусульман». Несколько тысяч его членов были заключены в тюрьмы. Шесть человек казнены, восемь приговорены к пожизненной каторге. К октябрю 1955 года число заключенных из числа членов движения достигло 3 тысяч человек. Сами хранители тайн Хизб ут-Тахрир из числа первых руководителей об этом факте умалчивают, поддерживая миф о чистоте и миролюбии основателя организации, одновременно поддерживая десятилетиями распространяемый ими же второй миф о мирных методах распространения призыва к восстановлению современной халифатской государственности.

К 1955 году Набхани как вдохновитель Хизб ут-Тахрир уже обладал практикой политического лидера, научившись многому еще в движении «Братьев мусульман». Но, являясь одним из идеологов «Братства», он из соображений собственной безопасности исключительно редко выступал на собраниях даже перед руководящим составом движения. Объяснить это можно особенностями его характера, склонного к подражанию скрытной форме миссионерства, практикуемого его религиозными кумирами из давней истории ислама.

Из современных Набхани теоретиков на его религиозное мировоззрение влияние имел второй, не менее фанатичный, чем Хасан аль-Банна, лидер — Сайид Кутб. Личность сама по себе более чем примечательная хотя бы потому, что Сайид Кутб написал (1954 г.) свой знаменитый тафсир «Фи зилал ал-Куран» и ряд других работ, вкупе составивших основу идеологии движения «Братьев мусульман».

Интеллектуал, получивший образование в США, увлекавшийся одно время социалистическими идеями, Кутб никогда не отрывался от фундаменталистских представлений об исламе. Его взгляды были более радикальными в отношении методов искоренения «языческого невежества». По его мнению, сознание современников-мусульман разъедалось влиянием прозападного курса государственной политики Египта. Единственным методом восстановления чистого ислама, по его мнению, мог быть «военный джихад, объявленный как против иностранных кяфиров, так и против руководителей Египта — вероотступников». Первым в списке числился Гамаль Абдель Насер. В 1964 году Сайид Кутб по приговору суда как главный вдохновитель заговора именно против Насера был приговорен к казни через повешение.

Многие идеологические тезисы Набхани, написанные для «Братства», после 1953 года перекочевали в его обращения к членам созданного им движения Хизб ут-Тахрир: «Политическая борьба подразумевает противостояние кяфирскому колониализму, битву за освобождение уммы от господства и авторитета кяфиров. Необходимо искоренить их влияние в идеологической, политической, экономической и военной сферах».

После всех репрессий против членов движения «Братства» Набхани в одной из своих статей написал следующее: «Основная цель движения «Братьев-мусульман», посвященная единению мусульман в одном государстве, не достигнута. Необходимо, чтобы каждый, считающий себя мусульманином, стал борцом за преобразование общества, направляя заблудших к Общине добра. Община добра — это Государство добра — Халифат. Важны более интенсивная пропаганда и безостановочное привлечение новых и новых соратников. Важна их подготовка к протестным акциям политического и морального характера, направленная против действующих режимов».

Это был не единственный тезис тех лет, призывающий к восстановлению славы халифата периода правления первых четырех халифов. «Поскольку халифат был разрушен после Первой мировой войны, — записал Набхани для текста «Программы партии Хизб ут-Тахрир», — мусульмане жили без исламского государства и без исламских правил. Поэтому работа по восстановлению халифата является решающим обязательством, которое ислам возлагает на всех мусульман. Этого обязательства невозможно избежать или заменить. Любое пренебрежение в исполнении этого долга является великим грехом, за совершение которого Аллах сурово карает. Посланник Аллаха сказал: «Любой, кто умрет без обета верности Халифату, умрет смертью язычника».

Сегодня, повторяя практику, заложенную в лице тайно провозглашенного в 1953 году Амир-киедат ул азам в лице Набхани, каждый, вступающий в партию Хизб ут-Тахрир, дает присягу на верность восстановлению халифата и уже существующему халифу.

Что на все это можно сказать? Совершенно очевидно, что Набхани твердо надеялся обрести посмертный статус очередного «посланника Аллаха». И это утверждение, возникшее в ходе исследования литературы Хизб ут-Тахрир и биографии ее основателя, возникло вовсе не случайно.

После смерти Набхани текст Программы редактировался несколько раз, сохраняя основу заложенной им идеи — объявления эпохи возрождения халифата. В редакции от 9 мая 1985 г. идеологи Хизб ут-Тахрир уже подразумевали под партийной деятельностью Набхани «миссию посланца», не решаясь прямо сослаться на слова Пророка Мухаммада об обновлении ислама каждые 100 лет: «В начале (аль рас) каждого столетия Бог посылает того, кто обновляет этой (мусульманской) общине дело ее веры».

**(Продолжение следует).**

# Сержантлар — армиямиз суянчи ва таянчи

## ЮКСАКДИР, УСТУВОРДИР МАҚОМИ

**Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар замирида сержантларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун сержант мақоми ҳар доимгидан юксак, устувор. Уларга армиямиз суянчи ва таянчи, аскарларнинг яқин устози деб қаралмоқда. Келинг, аввало ислоҳотлар талабларидан келиб чиқиб, сержант ким, унинг замонавий армиядаги вазифалари, мажбуриятлари нима, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.**




















Сержант ўзига бўйсунувчи, яъни қўл остидагиларни жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича ҳар томонлама тайёрлайди, ҳар қандай шароитда энг мураккаб вазифаларни бажаришда уларнинг руҳий тайёргарлигини таъмин этади. Шахсий таркибни бошқариш, қурол, техника ва ҳарбий мулкни доимо жанговар шай тутишда бўлинма командирига амалий ёрдам кўрсатади. Қўл остидаги аскарлар билан мустақил, шунингдек, тактик, ўт очиш, махсус тайёргарликлар ва индивидуал-тарбиявий ишлар дастури бўйича машғулот ўтказади, сержант. Жанговар ҳолатларда эса бўлинманинг тўлиқ жанговар шайлиги, жанговар қобилиятини, шахсий таркибнинг юксак маънавий-жанговар руҳини таъмин этади. Тактик вазиятни тушунтириб, командирлар буйруқларини етказади, улар асосида буйруқ беради. Шахсий намунаси билан посбонларни жанговар вазифани муваффақиятли бажаришга сафарбар этади. Буларнинг барини сифатли бажариш учун етакчи бўла олиши лозим. Қўл остидагиларни билими, тажрибаси билан ўз ортидан эргаштира олиши, моҳирона командирлик қилиши, шахсий кўрсаткичлари билан жамоа посбонлари ўртасида ҳурмат, эътиборга сазовор бўлиши лозим, дегани. Сержант вазифаси, мажбуриятларидан айримларини санадик, холос. Шуларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, сержант Қуролли Кучларимиздаги асосий бўғинлардан бири. Хуллас, ислоҳотлар сержантлар тайёрлаш масаласига янгича эътиборни илгари сурди. Бунинг самараси сифатида тўртта ҳарбий округимизда сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил топди. Бугун сержантлар тайёрлаш мактабларимиз янгича қиёфа касб этиб бормоқда. Мазкур ҳарбий ўқув масканлари замонавийлаштирилиб, энг илғор технологиялар, жиҳозлар билан таъминланяпти. Бугун ишонч билан айта оламизки, бундай масканлар ривожланган мамлакатлардаги ана шундай ўқув юртларидан қолишмайди. Замонавий моддий-ўқув базаси билан ҳам, сифатли мутахассислар тайёрлаши билан ҳам. Хорижлик ҳарбийлар сержантлар тайёрлаш мактабларимизда бўлишганида уларнинг эътирофларини ҳам кўп бора эшитганмиз. Сержантлар тайёрлаш мактабларидаги йўриқчи-ўқитувчилар таркиби профессионаллашди. Ўқув-тарбиявий жараён сифатли ташкил этилиши учун шароитлар яратилди. Сержантликка номзодларни танлашнинг муайян тизими жорий этилди. Ҳарбий хизматчиларни сержантлар тайёрлаш мактабига йўллашда уларнинг умумтаълим, интеллектуал даражасига катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур мактабларни битириб, қўшинларга йўлланма олган сержантларнинг хизматдаги натижалари ўрганилиб, таҳлил қилинаяпти. Хуллас, буларнинг бари асл профессионалларни, армиямиз учун ҳақиқий суянч, таянч бўла оладиган сержантларни тайёрлашга қаратилган.

Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига биноан, ҳарбий округлар сержантлар тайёрлаш мактаблари ўртасида 2003-2004 ўқув йилига кўра танлов ўтказилиб, энг илғор ўқув маскани аниқланди. Бу янгиликдан кўзда тутилган мақсад сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқув-тарбиявий жараённи назорат этишни ташкил қилиш, сержантлар таркибини тайёрлаш сифатини оширишдан иборат эди. Якуний натижаларга кўра, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби ортда қолган ўқув йили ғолиби бўлди.

Шу ўринда мазкур сержантлар тайёрлаш мактабининг моддий-ўқув базаси, шарт-шароитлари билан қисқача танишсак. Дастлаб компьютер синфини кўздан кечирамиз. Бу ерга энг замонавий компьютерлар ўрнатилган. Ушбу синфга капитан Музаффар Исабоев масъул. "Эксел ойнаси", "Ворд ойнаси" чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Компьютер билан илгари ишламаган ҳарбий уларга қараб, ўрганади.

Ўқув режаси асосида белгиланган соатларда компьютердан сабоқлар берилади. Ички қўшинлар махсус тактикаси синфидамиз. Унга майор Бахтиёр Бердиёров масъул экан. «Назарий билимлар, маърузаларни шу ерда ўтамиз, вилоят Ички ишлар бошқармаси полигонида эса амалий машғулотлар ўтилади. Дейлик, бўлғуси кичик сержантлар гаровга олинганларни озод этиш бўйича машқ ўтказиш учун махсус жиҳозланган жойда шуғулланишади. Шунингдек, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш машқларини ҳам бажаришади", дейди жумладан майор.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2004 йилда қайтадан таъмирланиб, ишга туширилган мазкур синф хонасида бир талай ўзгаришлар бор. Моддий-ўқув базаси ҳар томонлама такомиллашди. Масалан, курсант муддатли ҳарбий хизматини бошқа қўшин турида ўтаган бўлиши мумкин. Демак, Ички қўшинларда хизмат қилиш у учун талай янгилик, ўзига хосликларни тақозо этади. Ички қўшинлар тактикаси синфидан эса у қўшин тури, вазифаси ҳақидаги барча кўргазмали маълумотларни топади.

Ўқув биносида яна бир синф бор. Бу – оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш машғулотлари синфи. Бугунги ҳарбий-сиёсий вазият шуни кўрсатмоқдаки, посбонлар оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш сир-асрорларини пухта эгаллашлари шарт. Халқаро террорчилар ўз ёвуз мақсадларини амалга ошириш йўлида бундай қабиҳликдан – турли кимёвий, бактериологик қуролларни қўллашдан ҳам тойишмайди. Шунинг учун бу борада бўлғуси профессионалларга пухта сабоқлар берилади. Мазкур машғулотлар синфига тажрибали офицер — подполковник Санъат Ибрагимов масъул. Синфда оммавий қирғин қуроллари ҳақида, улардан ҳимояланиш воситаларини кийиш, қўллаш хусусида кўргазмали маълумотларни топасиз. Проектор орқали синфдаги экранга тасвирлар туширилади. "2004 йилнинг май ойидан ушбу сержантлар тайёрлаш мактабида – тактика циклида ўқитувчилик қилаяпман. Кўриб турган синфингиз тўла моддий-ўқув базага эга. Муҳандислик жиҳозлари, оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя воситаларидан синфда курсантлар фойдаланиши, уларни ўрганиши мумкин. Бу эса полигонда амалий машғулотлар ўтганимизда жуда асқотяпти. Шуни таъкидлаш жоизки, сержантлар тайёрлашга устувор аҳамият бериб келинмоқда. Биз — ўқитувчи офицерлар ўз устимизда ишлаб, курсантлар учун турли услубий қўлланмалар тайёрлаяпмиз", дейди подполковник С.Ибрагимов.

Разведка бўйича машғулотлар ўтиладиган синфга майор Рустам Тожиқулов масъул. Бу тажрибали офицер ўз соҳасининг билимдонларидан. Ҳарбий топография ўқитувчиси катта лейтенант Элбек Мадалимов, шартнома бўйича хизмат сержанти Отабек Норовлар билан биргаликда разведка-тактик ишлари учун мўлжалланган тоғ макетини қилишган. Тоғнинг тегишли нуқталарига махсус белгилар қўйилган. Унга қараб мерган қаерда, пистирма қаерда, ҳарбий база қаердалигини билиб олишингиз мумкин. Қолаверса, сўқмоқ йўллари, жарлик, сой жойлашган нуқталар махсус белги билан кўрсатилган. Курсантлар мазкур макетни ўрганишар экан, у орқали топография илмини пухта ўзлаштиришади. Разведка қилгач, шартли душман жойлашган марраларни харитага қандай белгилашни ўрганишади.

Қуролли Кучларимизнинг 13 йиллик тўйида майор Рустам Тожиқулов Президентимиз Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан мукофотланди. Профессионалларни тайёрлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган бу офицер ҳаяжонини, қувончини қуйидаги сўзлар билан ифода этди: "Қуролли Кучларимиз шакллануви йўлида бор билимимни аямайман. Аскарларнинг энг яқин устози бўла оладиган, уларни ортидан эргаштира биладиган сержантларни тарбиялаш бизнинг устувор вазифамиз. Ватаннинг бу юксак эътирофига муносиб бўламан".

Эътибор берган бўлсангиз, ҳикоямиз давомида подполковник Шавкат Ўринов етакчилик қилаётган сержантлар тайёрлаш мактабининг кўпроқ моддий-ўқув базаси, маданий-маиший шароитларидан сўз очдик. Бунёдкорона ўзгаришлар, янгиланишлардан сўзладик. Бу орқали давлатимизнинг сержантлар тайёрлаш масаласига қанчалар устувор аҳамият бераётганини кўрсатдик. Аммо, унутмаслигимиз керакки, шарт-шароитлар замонавий талаблар асосида бўлгани билан, кўп нарса йўриқчи, ўқитувчи, мактаб қўмондонлигининг жанговар, интеллектуал, ижтимоий-сиёсий даражасига боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, жамоада ана шундай даражага эга етук мутахассислар кўп. Шу боис ҳам мактаб тайёрлаётган сержантлар қўшинларда ўз бурчларини шараф билан ўташмоқда. Пировардида ана шундайлардан подполковник Олимжон Қўчқоров, майорлар – Рустам Тожиқулов, Раҳимбой Матчонов, катта лейтенантлар – Отабек Норматов, Вадим Ширинов, кичик сержантлар – Отабек Рашидов, Отабек Норов, Ғайрат Мустафоевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Ишончимиз комилки, жамоа ўқув-тарбиявий жараённи янада такомиллаштириб, янги-янги довонларни забт этажак.

**Майор**
**Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



# УЛАР – УМИДИМИЗ, ИШОНЧИМИЗ

Қуролли Кучларимизнинг 13 йиллик тўйи курсант Баҳром Эгамбердиевнинг бир умрлик хотирасида қоладиган бўлди. Аввало, мазкур байрам арафасида у ўқиётган ҳарбий таълим маскани – Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби Қуролли Кучлар бўйича ўтказилган мусобақада ғолиб, деб топилди. Қолаверса, Ватан ҳимоячилари кунида Баҳром мазкур мактабнинг энг илғор курсанти деб топилиб, округ қўшинлари қўмондони томонидан телевизор билан тақдирланди. Хуллас, 2005 йил у учун ана шундай қувончли воқеалар билан бошланди. Мана, ҳадемай яна бир шодиёна бўлади. Бу – битирув тантанаси. Ҳозирча давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўрилмоқда. Келинг, шу ўринда бўлғуси профессионалнинг сержантлар тайёрлаш мактабидан олган сабоқларидан сўз очсак.

Аввало, шуни таъкидламоқ жоиз, Баҳром ҳарбий соҳага адашиб кириб қолганлардан эмас. У ҳаётининг мазмунини ана шу соҳада – мардлар касбида кўради. 1993-1994 йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб,сўнгра шартнома бўйича давом эттирди. Армиямиз шаклланувининг илк босқичидаги даврлар эди, ўшанда. Ўзининг миллий армиямиз учун кераклигини ҳис қилган ўғлон соҳа илмини пухта ўрганишга киришди. Танк командири вазифасини эгаллаб, бу жанговар техника билан «тиллашди», қўл остидаги аскарларга ўз тажрибаларини баҳоли қудрат ўргатди. Шартли равишда миналаштирилган майдондан ўтиш дейсизми, тўсиқлардан ошиш, кўприкдан ўтиш дейсизми, хуллас, барча-барча машқларда экипажи билан доимо фаол қатнашиб келди. Аммо билими, тажрибаси бироз етишмаган пайтлари ҳам бўлди. Командирларидан сўради, илғор ҳарбийлар тажрибасини ўрганди. Сержантлар тайёрлаш мактаблари очилганидан бери эса кўнглида бу масканда таълим олиш, билим, тажрибаларини бойитишдек орзу пайдо бўлди. Мана, ниҳоят қисм қўмондонлиги бу илғор ҳарбийни орзуси сари йўллади. Хўш, ҳарбий қисмда йиллар давомида соҳаси бўйича ўрганганлари билан сержантлар тайёрлаш мактабида олаётган билимлари ўртасида фарқ борми? Курсант билан суҳбатда асосан мана шу саволга жавоб изладик.

– Назарий билимлар бу ерда юксак даражада бериларкан. Бир нарсани англаб етдимки, назарияни пухта эгалламасдан амалиётда улкан ютуқларга эришиб бўлмас экан. Албатта, қисмда бу янглиғ моддий-ўқув база йўқ. Сизга соҳа илмидан атрофлича, методикаси асосида таълим берадиган тажрибали ўқитувчи, инструкторлар ҳам. Бу масканда ҳамма нарса: барча шароитга эга ўқув базаси, билимдон, тажрибали устозлар етарли. Ана шундайлар сирасига цикл бошлиғи подполковник Қаҳрамон Хидировни қўшиш мумкин. Взвод командиримиз катта лейтенант Адҳам Баҳромовда ҳам тажриба катта. Соҳаси айнан танкчи бўлгани боис, бизга ҳар томонлама сабоқлар бераётир.Яқинда полигонда – амалий машғулотларда бўлиб қайтдик. Жанговар техникани бошқариш, ундан нишонга отиш кабилар бўйича синовдан ўтдик. Натижалар ёмон бўлмади.

Сержантлар тайёрлаш мактабида интеллектуал даражамиз янада оширишга катта эътибор қаратиляпти. Масалан, компьютер технологияларини пухта ўрганяпмиз. Илмий, бадиий адабиётлар кутубхоналарида билим, дунёқарашимизни кенгайтираяпмиз. Соҳани пухта ўрганаман, деганга барча шарт-шароитлар бор. Ривожланган мамлакатлардан бирининг тажриба алмашишга келган сержанти билан мактабимизда суҳбатлашиб қолдим. Назаримда, у ўз қобиғига ўралиб қолгандай туюлди. Негаки, соҳасидан бўлак нарсага қизиқмас экан. Бизда эса сержантларни ҳар томонлама баркамол, дунёқараши кенг қилиб тарбиялашга устувор аҳамият берилади.

Бу ерда командирлик тайёргарлиги, сержант етакчилиги борасида ҳам кўп билимларни эгалладик. Айниқса, капитан Мирзо Исабоевнинг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш машғулотидан подполковник Санъат Ибрагимов ўтаётган машғулотлари ҳам биз — бўлғуси сержантларга анча сабоқлар бермоқда.

Ҳадемай, сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаб, танк командири деган мутахассисликка эга бўламиз. Бир сўз билан айтганда, бугуннинг талабидаги сержантлар бўламиз. Ишонч билан айта оламанки, замон талабларига жавоб берувчи бу ҳарбий билим масканини тугатаётган сафдошларим миллий армиямиз шаклланувида йўлида жавлон уришади, — деди курсант Б.Эгамбердиев.

**Майор**
**И. ҚУРБОНОВ.**

ВАТАНПАРВАР

# ДАВЛАТИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЎЗИМНИНГ ЭЛИМ!

**Сиз кутган учрашув**

Инсон ҳамма вақт куй-қўшиққа интилиб яшайди. Ундан руҳан дам олади. Яхши қўшиқ мисоли тарбиячи устоз. Сизга маънавий озуқа беради, уни тинглаганингиз сари эзгуликнинг янги-янги қирраларини кашф этиб борасиз.



*Гулга гул қўшилса санъат бўлади,*
*Тилга дил қўшилса миллат бўлади,*
*Элга эл қўшилса давлат бўлади,*
*Давлатингдан айланай ,ўзимнинг элим,*
*Омадингдан айланай ўзимнинг элим.*

Ушбу қўшиқни тинглаганингизда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев кўз олдингизга келиши, табиий ҳол. Яқинда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига лирик-мумтоз қўшиқлар бетакрор ижрочиси Ғиёс Бойтоев ўз санъати билан хизматда бўлди. Қуролли Кучлар Марказий офицерлар уйи концертлар залини тўлдириб ўтирган санъат мухлислари «Ўзимнинг элим» қўшиғи билан саҳнага кириб келган севимли қўшиқчиларини олқишлар билан кутиб олишди.

Албатта, эл назаридаги ҳар бир санъаткорнинг ижоди ва ҳаёти доим мухлислар эътиборида. Улар нафақат унинг қўшиқларини тинглашга, балки ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишга интилишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мухлисларининг ҳар бир саволига эътибор билан жавоб қайтарган Ғиёс Бойтоев улар талаб қилган қўшиқларни жонли ижро этиб, даврага кўтаринки руҳ бахшида этди. Қўшиқлар рақсларга уланди. Учрашув сўнгида Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов юртнинг севимли санъаткорига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширар экан, бетакрор хонандага ҳарбий хизматчилар номидан миннатдорчилик билдириб, ижодий баркамоллик тилади. Биз ҳам таниқли санъаткор билан суҳбатлашдик. Шундай қилиб, бугунги саҳифамиз меҳмони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев.

– Ғиёс ака, санъатга қачон кириб келгансиз ва сизни элга танитган илк қўшиғингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

– Оиламизда акамнинг санъатга меҳри баланд бўлиб, қўшиқ айтарди. Мен 14-15 ёшларимда акамга қўшилиб қўшиқ айта бошлаганман. Институтда ўқиб юрган кезларимда эса композитор Тельман Ҳасанов мусиқаси билан устозларнинг қўшиқларини янги йўналишда давраларда айтиб, кўпчиликка танилиб қолганимни, тўғрироғи, ўзим ҳам сезмай қолганман. Ўз қўшиғим – ўз йўлимга эга бўлиш учун таниқли ҳофиз Рустам қори Турсунов ҳузурига бориб менга устозлик қилишини сўраганимда, «Сиз Ғиёс Бойтоев бўлиб танилиб бўлгансиз, сизга устозлик қилишимнинг ҳожати йўқ», дея фикр билдирди. Шундан сўнг у инсон билан ҳамкорликда «Шириним» қўшиғини яратдик. Уни илк бора катта саҳналарда ижро этдим.

*Замонам гўзали, кўнглим эркаси,*
*Ўзингдек ширингдир сўзинг Шириним.*
*Менга боққанингда лоларанг бўлиб,*
*Бунча қизармаса юзинг Шириним.*

– Ижодингиздаги энг чақноқ даврлар қайси йилларга тўғри келган?

– Илк бора 1986 йилда. «Халқлар дўстлиги» саройида яккахон концертимни беришга муваффақ бўлдим. Шундай сўнг бу ҳар йили давом этди.

– Ёш санъаткорларда қўшиқларини клип қилиш истаги кучли. Сиз бунга қандай қарайсиз? Лирик-мумтоз қўшиқларимиз сизнингча, клипга тушадими?

– Клипга муносабатим яхши. У қўшиқнинг таъсирчанлигини оширади. Бироқ санъатни бизнесга айлантираётган ёш хонандаларимиз борки, улар савияси паст, матни саёз қўшиқларини мухлисларга клипга ўраб етказишга ҳаракат қилишмоқда. Афсуски, бу қўшиқларнинг умри қисқа. Лирик-мумтоз қўшиқларимиз эса шундоқ ҳам кўнгилларни забт эта олади. Аммо уларга ҳам клип ишланса яхши бўлади. Фақат клипларни кино даражасига етказиб ишлаш зарур, яъни қўшиқнинг чуқур мазмунини мухлисларга етказа билиш керак, деб ўйлайман.

– Она ҳақидаги қўшиқларингиз жуда таъсирли.

– Бу қўшиқларда шеър ва мусиқанинг ўрни катта. Айниқса, Халқ шоири Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб қўшиқларнинг барчаси ўз таъсирчан руҳига эга. Шоир «Онам йиғлар» қўшиғимнинг матнини афғон жангида оғир ярадор бўлган йигит тилидан ёзганлигини айтган эди.

*Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,*
*Қолар бўлсам бир кун охир тилдан ҳам,*
*Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам,*
*Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у.*

– Баъзи қўшиқчиларимиз ўзбекча қўшиқ куйлашади-ю, лекин давлат тили мақомини эгаллаган ўз тилларида сўзлаша олишмайди. Уларнинг қўшиқлари юракдан чиқа оладими, сизнингча?

– «Тил билган эл билади», дейишади. Элининг дарди билан яшамаган инсондан эса нафақат яхши қўшиқчи, балки ҳеч қачон юртга садоқатли инсон чиқмайди. Улар учун қўшиқ – бизнес. Шу бизнес йўлида юртни осонгина ташлаб кетишга қодир, ундайлар.

– Бошқа миллатларнинг мусиқасига ўралмаган, миллийлигимизга хос қўшиқлар яратиш учун ёш санъаткорларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

–Улар, аввало, ўзлигимизни англатиб турувчи ўз санъатимизни севсин. Улар миллатимизни қай даражада буюк санъатга эга эканлигини англаб етсаларгина ўзбекнинг замон билан ҳамнафас янги қўшиқлари дунёга келади. Ўзбек қўшиқчилигининг келажаги айнан шунга боғлиқ.

– Йигитлардаги қайси фазилатни устун қўясиз?

– Аввало, ориятли ва мард бўлишни. Эр йигитларимизда шу фазилат бўлсагина келажагимиз олдинга юради.

– Репертуарингизда ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар бўлишини истайсизми?

– Санъаткор ҳар доим изланишда бўлади. Бундай мавзуда куйлашни ким ҳам истамайди, дейсиз. Бироқ буни элга етказиб бериш осон эмас. Агар ҳарбий ватанпарварлик руҳида яхши шеър бўлса, жон деб куйлардим. Аммо мен қайси мавзуда куйламай, тарбиявий аҳамиятга эга шеър бўлсагина қўшиққа соламан.

– Қайси чет давлатларда бўлиб ўзбек санъатини намойиш этгансиз. Режангизда яна шундай сафарлар борми?

– Тўғрисини айтсам, Ўзбекистонимизни шу қадар севаманки, ҳеч қачон ўзга юртларга бориб қўшиқ куйлашни орзу қилмаганман. Шундоғам юртимизнинг чекка жойларида истиқомат қилувчи, санъаткорларни севиб бошига кўтарадиган меҳнаткаш халқимиз борки, ўша жойларга оёғимиз етиб хизмат қилсак, катта савоб, менимча. Аммо менинг бир қўшиғимга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадраҳимова Америкада гастролда бўлганда рақс тушган экан. Шундан сўнг менинг санъатимга қизиқиб, Америкага таклиф қилишган. Шунингдек, Германияда, Россия давлатларида бўлганман.

– Сиз санъаткор сифатида юртимизнинг кўп гўшаларида бўлгансиз. Халқимиз ҳаётидаги қайси бир ўзгаришларни юксак дея оласиз?

– Элимиз сабрли, интилувчан, меҳнаткаш халқ. Давр ўзгаришлари ҳар қандай халқни синовдан ўтказади, албатта. Халқимиз бу синовларда ўзининг тоқатини, яратувчанлигини кўрсата олди. Ҳозир қайси бир шаҳару қишлоққа борманг, истиқлолимиз сабаб катта ўзгаришларга дуч келасиз. Яъни, юртимиз кундан-кун обод бўлаётганига гувоҳман. Энг асосийси, ҳурлигимиз қўлимизда. Албатта, келажагимиз юксак бўлади.

– Миллий армиямиз сафидаги ўғлонларга тилакларингиз?

– Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом: «Йигит омон бўлса хавфу-хатар йўқ», дея бежиз ашъор битмаган. Шу сабабли аввало йигитларимиз омон бўлишсин. Юртда қачонки тинчлик бўлса, фаровонлик бўлади, куй-қўшиққа интиқлик бўлади. Йигитларимиз бор экан, бизнинг санъатимиз, қўшиқларимиз ҳам бор. Уларга омад ёр бўлсин. Тинчлик йўлида кўтарган туғлари жаҳон майдонларида ўзларидек қад ростлаб турсин!

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# МУТЛОҚ ҒОЛИБ АРМИЯЧИЛАР





**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ушбу халқаро мусобақада дунёнинг кўплаб мамлакатларидан чарм қўлқоп усталари ўзаро куч синашганини эътиборга оладиган бўлсак, ўғлонларимизнинг ҳар бир ғалабаси нақадар салмоқли эканлиги яққол намоён бўлади. Аниқроқ айтганда, шиддатли кечган баҳсларда боксчиларимиз матонат, маҳорат намуналарини кўрсатиб, буюк ота-боболар, аждодларнинг муносиб ворислари эканликларини исботладилар.

Аслида, боксчи йигитларимизнинг юксак ғалабаларини янгилик ёки тасодиф деб ўйловчилар қаттиқ янглишадилар. Ахир, асрлар, йиллар силсиласида йўқотилган қадриятлар, муз босган руҳият сарчашмалари миллий истиқлол туфайли яна оламга кўз очди, мусаффо, зилол булоқларимиз уйғонди. Гўрўғлию Алпомишлар жасорати, кучи-қудрати чексиз меҳр-муҳаббат билан мадҳ этилган қаҳрамонлик достонлари, қўшиқлари ана шу сарчашмалардан озиқ олган. Қадим шарқда паҳлавонлар пири, пири комил даражасига етган, шоҳона, инжу каби нафис рубоийлар муаллифи, жувонмардлик тимсолига айланган, исми жисмига монанд Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари билан фахрланмай бўладими?!

Дунё тарихида ўчмас из қолдирган улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк давлати аслида комилликка интилган забардаст, кучли-қудратли инсоннинг, миллатнинг ғалабасидир.

Озодлик учун толмас курашчи, жасурлиги, мардлиги билан даҳшатли Чингиз кўнглига-да ғулу солган шерюрак жангчи, султон Жалолиддин Мангубердини унутмоқ мумкинми?!

Халқаро спорт мусобақаларида дунёнинг етакчи чарм қўлқоп усталарини доғда қолдираётган баҳодир ўғлонларимизнинг шиддатли жангларини кузатар эканман, беихтиёр «Бобурнома» асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз падари бузруквори Умаршайх Мирзо таърифида айтган қуйидаги сўзларини эслайман «... бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидан йигит йиқилмоғон йўқтур...».

Мирзо Бобурнинг ўзини ҳам кўплар шоҳ ва шоир, олим сифатида биладилар. У яна буюк саркарда, ҳар қўлида биттадан одамни кўтарганча қалъа деворлари устида югуриб машқ қиладиган, жисмоний томондан ниҳоятда кучли, довюрак инсон – ҳақиқий йўлбарс эди.

Ҳа, бугун жаҳон халқлари олқишига сазовор бўлаётган ҳарбий йигитларимизнинг улкан ғалабаси аслида ўзбек номини дунёга достон этган, иймон-эътиқодли, билагию билими зўр, кураги ерга тегмаган алпу арслон ота-боболаримиз шону шуҳратининг мантиқий давомидир. Музаффар аждодларимиз қаҳрамонлик анъаналари бизни мудом руҳлантиради, улкан ютуқ ва муваффақиятларга ундаб туради. Бизнинг кучлилигимиз, устунлигимиз сири ҳам шунда!

**Майор Азимбек УСМОНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зокиржон Абдуллаев нафақат Ватан посбони, балки шеърият шайдоси ҳам. Айниқса, унинг мумтоз адабиётимизга меҳри баланд – ғазал ва рубоийларни севиб ўқийди. Шунингдек, ўзи ҳам баҳоли қудрат шеърий сатрлар битишга ҳаракат қилади. Унинг келажакдаги энг катта орзуси ўз шеърий китобини ўқувчиларига армуғон этиш. Бунинг учун Зокиржон улкан ижод машаққатларини, довонларини енгиб ўтиши лозимлигини яхши билади. Бу синов йўлларида унга омад тилаймиз.



## БАҲОДИРЛАР ХОТИРАСИГА

Ушбу сатрларим сизга қуролдош,
Орзулари армон энг яқин сирдош,
Сизлар учун яшар менинг ижодим,
Хотирлаб ёд олдим кўзларимда ёш.

Ўтганлар қалбларда яшайди абад,
Улар Ватан дея, чекдилар заҳмат.
Эр йигит мардлиги шараф ила бахт,
Дунёда нима бор Ватандан қиммат.

Тинчликдир дунёда энг олий неъмат,
Бу олий неъматни истар ҳар юрак.
Элимиз эркини асраш-чун ҳар вақт,
Хизматга шай эрур ҳар бир мард эркак.

Қанчалар аламли дўстлар йўқотиш,
Юракни тирнайди соғинч, ҳаяжон.
Юрт тинчлиги учун тупроқда ётиш,
Танҳо бахт эмасми халқим, онажон.

Асрангиз, асрайлик эй юртдошларим,
Баҳодирлар юрти Ўзбекистонни.
Жасур бўлинг азиз қуролдошларим,
Ёв-ғанимга берманг Ватан-имонни.

## ЎЗБЕК ҚИЗИ

Сочларингни майдалаб ўриб,
Гўзаллигинг кўз-кўз этасан.
Ширин-ширин хаёллар суриб,
Султонингга шеърлар битасан.

Ибо, ҳаё барисин жамлаб,
Кириб келдинг меҳр уйига.
Йигитларнинг кўзини намлаб,
Солиб қўйдинг севги куйига.

Кўксингга ўнг қўлингни қўйиб,
Сўрашасан уялибгина.
Юзларингни оқ сутга чайиб,
Ёр сайлайсан қачон қизгина?

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Элим, халқим дея қўлимда қалам,
Тарихингга назар ташлайман ҳар дам.
Гоҳо севинаман, гоҳида алам,
Сўнги манзилда ҳам ўзингсан ҳамдам,
Мустақил ҳур ўлкам, Ўзбекистоним!

Порлаб бораверар менинг юлдузим,
Ниш отиб яшайди томир-илдизим,
Истиқлол туфайли очилди кўзим,
Эъзозлаш бурчиму мардона сўзим,
Куйласам қанча кам Ўзбекистоним!

Юртимнинг бугуни, эртаси ёшлар,
Ишонч билан яшанг азиз юртдошлар,
Ватан сарҳадларин сақланг сафдошлар,
Шу юрт-ла бахтлимиз мангу қондошлар,
Сен танҳо волидам Ўзбекистоним!

**Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти**
**Зокиржон АБДУЛЛАЕВ.**

# КИЧИК СЕРЖАНТЛАРНИНГ КАТТА СЕВГИСИ

Пердагул Ганиева ҳақида газетамизда ёзилган. Ўқувчиларимизга таниш ном. Шундай бўлса-да, у билан яқиндан танишгач, мен ҳам ёзишга қарор қилдим.

Пердагул оилада тўртта ўғилнинг орасида якка қиз бўлган экан.

– Якка қиз бўлишингиз, – дейди у, – бир томондан яхши бўларкан.Биринчидан, тўртта қўриқчим бор, кўча-кўйда бирор йигит ножўя гап отолмайди. Отсинам-чи, холасини учқўрғондан кўради.Иккинчидан, эркатойсан, унча-мунча совуқ сувга қўл урдиришмайди. Сал ноқулай жиҳати, ўғил болалар қуршовида бўлганингдан сўнг, истайсанми-истамайсанми, доимо улар билан юриб, улар нимани ўйнашса, сен ҳам шуни ўйнайсан. Характерингда кўпроқ ўғил болача хусусиятлар шаклланар экан.

– Бунинг нимаси ёмон, – дейман мен.

– Ҳар қалай қиз бола қиз боладай бўлиши керакда,– дейди у кулиб.

Пердагул мактабда яхши ўқиди. Лекин касб танлаш борасида бироз тараддудланиб қолди. «Ўқитувчи бўлсамми», деган фикрга борди. Ўзини ўзи яхши билгани учун «йўқ, мендан муаллим чиқмайди», дея бу ниятидан қайтди. Шифокорлик ҳам кўзига яхши кўринди. Лекин негадир иккиланди.Астойдил иштиёқ бўлмагач, яхши дўхтир бўлиш қийин. Шу боис бу касб ҳам ўзига тўғри келмаслигини англади. Ва ниҳоят, бир тўхтамга келди: алоқачи бўлади.Ҳужжатларини Нукус шаҳридаги алоқачилар техникумига топширди, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба ҳам бўлди.

– Назаримда, – дейди Пердагул талабалик чоғларини эслаб,– ўқишни жуда тез тамомлаб қўйгандекман. Олтин даврим кўз юмиб очгунча ўтдию, кетди.

Пердагул Ганиева ўқишни тамомлагач, Нукус шаҳар алоқа тармоғига телефончи бўлиб ишга жойлашди.

Турмуш ўртоғи Туребай билан телефон орқали танишган. Юқорида Пердагулнинг ўзи таъкидлаганидек, ахир тўртта қўриқчиси бор қизга кўча-кўйда гап отиб бўладими, отиб ҳам кўрчи, нақд пешонангдан дарча очилади-я! Менимча, бундан Туребайнинг хабари бор бўлган бўлса керак-ов.Шунинг учун тўғри йўл топган. Бунинг устига бахтли тасодифни қаранг, у ҳам алоқачи.

Навбатдаги телефон қўнғироқларидан бири, Пердагул дастакни кўтаради.Йигит кишининг овози, унга қайсидир линияни текшириб юборишига буйруқ берди.Бу Пердагулга ёқмади.

– Менга, қаранг, ҳой ака, линия сизга керакми, менга керакми?

– Менга керак,– дейди йигит.

– Сизга керак экан, ўзингиз текшириб олинг, – дея у дастакни қўйиб қўйди. Бу суҳбат Пердагулнинг ёдидан ҳам чиқиб кетган экан.

– Орадан бир соатлар ўтгач, хонамизга узун бўйли, буғдойранг йигит кириб келди,– дейди Пердагул. – Ёнимга келиб, «Боя телефонда гаплашган қиз сизми?» деб сўради. «Мен телефонда кўплар билан гаплашаман. Эсимда йўқ», дедим мен. Шунда у: «Линияни ўзингиз текшириб олинг», дедингиз-ку, деди. «Ҳа, ўша сизмидингиз? Рост-да, ўзингиз текшириб олинг. Линия сизга керакми?», дедим мен. «Жуда шаддод қиз экансиз», деди у. «Бошимни қотирманг, боринг ишингизни қилинг!», – дедим мен. «Билиб қўйинг, – деди йигит, – бир куни мен сизни олиб қочиб кетаман». «Кўрамиз, – дедим мен, – кучингиз етармикан?»

– Туребай уч кун йўлимни пойлади. Тўртинчи кун кучи етди. Мени олиб қочиб кетди. Қўриқчиларим доғда қолишди, – дейди ўша чоғларини эслаб Пердагул. – Бу воқеа 1995 йилнинг 19 сентябрида бўлган эди. 13 октябрда тўйимиз бўлиб ўтди.

– Олиб қочишига қаршилик қилмаган экансизда? – дейман мен.

– Кучим етмади, – дейди кулиб Пердагул.

– Ёлғон гапирма,– дейди мен билан бирга юрган шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай Арзиев,– ўзинг ҳам рози бўлгансан.

– Тўғрисини айтсам, биринчи кўрган кунимоқ, менга маъқул келиб қолган эди,– дейди Пердагул ерга қараб.

– Ана , мен сенга нима дедим?! – деди Аманбай хурсанд.

Бугунги кунда шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Пердагул Ганиева ва унинг турмуш ўртоғи Туребай Турембетов алоқачилар қисмида хизмат қилишяпти. Муҳаммадрасул деган ўғиллари бор. Бу йил иккинчи синфга ўтди.

– Катта бўлсам, мен ҳам алоқачи бўламан, – дейди Муҳаммадрасул.

Пердагул қайнонаси Сапаргул опадан беҳад хурсанд.

– Қайнонам,– дейди Пердагул, – ҳарбий бўлишимга қарши бўлмадилар. Шароит яратиб бердилар. Шу боис ҳам хўжайиним иккимиз ҳарбий бўлдик.

– Пердагулни ёшлигида тўртта акаси авайлаб, асрашган бўлса, энди бу вазифа менинг зиммамда, – дейди Туребай.

– Бу иккалангиз ҳам ҳарбий экансиз. Қозон қайнаяптими ишқилиб? –дейман ҳазиллашиб.

– Эҳ, нима деяпсиз, – деди Туребай,– Пердагулнинг қўли жуда ширин. Юринг бизникига, бир ўзбекча ош еб кетасиз...

Икки кичик сержантнинг оиласига, севгисига ҳавас қилса арзийди. Хизматлари ҳам аъло.Илгари бу борада ёзилгани учун яна қайта тўхталиб ўтирмадим.Насиб этса, янги ютуқларни қўлга киритишганида яна учрашармиз деган умиддаман. Ҳозирча шу.

**Подполковник**
**Абдураззоқ ОБРЎЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ.**

# ТОПҚИРЛИК МАШҚИ




ЁЙЛАР БЎЙИЧА МАРКАЗ ТОМОН: 1. Академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек романи. 2. Темир йўл бекатларидаги поезд келиб тўхташ жойи. 3. Саркорлик ва рассомликда ишлатиладиган оқ маъданли бўёқ. 4. Овоз бериш асосида давлат ва жамоат органларига тайинлаш мақсадидаги маросим. 5. Жанубий Ҳиндистондаги порт шаҳар, штат маркази. 6. Ер қобиғида олти қиррали призма шаклида учрайдиган, айрим тури қимматбаҳо ҳисобланувчи маъдан. 7. Европадаги пойтахт шаҳар. 8. Патнис ўрнида ишлатиладиган рўзғор буюми. 9. Ўзбекистон халқ рассоми, устоз санъаткор. 10. Саҳроларда шамол кўчириб юрувчи қумлик тепаси. 11. Дунёдаги энг чуқур кўл. 12. Шоҳмот донаси. 13. Или дарёси қуйилувчи Қозоғистондаги кўл. 14. Француз кимёгар олими. 15. Нефтдан олинадиган ёқилғи тури. 16. Ўт, бута, дарахт ҳолида бўладиган жануб ўсимлиги. 17. Мумтоз бадиий ижодга хос топишмоқ. 18. Туркистон тизмасининг шимоли-ғарбий тармоғи. 19. Лабиҳовуз обидаси жойлашган шаҳар. 20. Коинот жисми, думли юлдуз. 21. Ҳайдалган ерни текислайдиган қишлоқ хўжалик қуроли. 22. Узунлиги радиусига тенг бўлган ёйга мос келувчи марказий бурчак. 23. Реактив куч таъсирида отиладиган снаряд. 24. Ер атрофида орбита бўйлаб айланувчи осмон жисмларининг Ер марказидан энг узоқ нуқтаси. 25. Физиканинг ёруғлик хусусиятларини, қонун ва бошқа моддалар билан ўзаро таъсирини ўрганувчи бўлими. 26. Мексика сериали. 27. Моҳир ўқотар. 28. Айлана марказини сирти билан бирлаштирувчи тўғри чизиқ.

**Фозилжон ОРИПОВ.**

**ГАЗЕТАНИНГ 41-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

ЭНИГА: 1. Иртиш. 5. Тош. 6. Ака. 10. Повидло. 12. Аграр. 13. Алвон. 15. Бурган. 17. Снаряд. 19. Булут. 22. Аттор. 24. Замзама. 26. Или. 27. Енг. 29. Бекор.

БЎЙИГА: 1. Ишқор. 2. Тўти. 3. Шавла. 8. Онг. 9. Оро. 10. Пакгауз. 11. Олмаота. 12. Асбоб. 14. Нодир. 18. Казбек. 20. Уфа. 21. Табиб. 22. Ампер. 23. Оби.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 4. Электрон. 7. Аномалия. 16. Косеканс. 25. Ализарин. 28. Григорян.

**ГАЗЕТАНИНГ 43-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

ЭНИГА: 3. Габрово. 7. Фируза. 8. Рекорд. 11. Танк. 12. Команда. 13. Орск. 14. Банту. 16. Ёлқин. 18. Идрок. 20. Чорва. 23. Бомба. 26. Дафна. 31. Фоиз. 32. Пансион. 33. Қавс. 34. Босфор. 35. Гирдоб. 36. Торпеда.

БЎЙИГА: 1. Гитара. 2. Мускат. 3. Гайка. 4. Орган. 5. Аккорд. 6. Кресло. 9. Амал. 10. Анри. 15. Нур. 17. Қум. 19. «РАФ». 21. Оломон. 22. Вазифа. 24. Ойна. 25. Боис. 27. Анқара. 28. Новвот. 29. Спорт. 30. Энага.

**Вақтинча бош муҳаррир вазифасини бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Телефонлар:**
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98; масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

**Буюртма** № 136 Р. **Адади** 19830.

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Д.Қўнаев кўчаси, 21-уй. E-mail: vatan@rol.uz

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«RASTR» ҚК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент ш., Юнусобод, Муродов кўчаси, 1-а.